

## ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЮРИДИК ФАКТ СИФАТИДАГИ ТАЛҚИНИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-7-271-278>

**Корёғдиев Бобур Умиджон ўғли,**  
Тошкент давлат юридик университети  
Фуқаролик хукуқи кафедраси ўқитувчisi,  
e-mail: [boburkoryogdiev@gmail.com](mailto:boburkoryogdiev@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Уибү мақолада товар-пул айланмасида асосий воситаларидан бири ҳисобланган, томонларига ҳуқуқ ҳамда бурчларни юзага келтирадиган, ўзгартирадиган ва бекор қиласидиган келишиув-шартнома юридик факт сифатида таҳлил қилинди. Сивилист назарий олимларнинг фикрча шартнома атамаси уч маънода: юридик факт; бирор-бир юридик фактга асосланган, моддий манфаатлар тўғрисидаги ҳуқуқий муносабат; шахслар (фуқаролар ва ташкилотлар) нима тўғрисида ўзаро келишисалар, шуни акс эттирувчи, ифодаловчи ҳужжат маъносида ишлатилади. Бу ерда у ўзининг биринчи маъноси – юридик факт сифатида кўрилади ва ўрганилади.

**Калим сўзлар:** битим, шартнома, юридик факт, шартнома эркинлиги, эрк-ицода.

## ТОЛКОВАНИЕ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ КАК ЮРИДИЧЕСКИЙ ФАКТ

**Корёғдиев Бобур Умиджон угли**  
Преподаватель кафедры Гражданского  
права Ташкентского государственного юридического университета,  
e-mail: [boburkoryogdiev@gmail.com](mailto:boburkoryogdiev@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

В данной статье в качестве юридического факта проанализирован договор-соглашение, которое считается одним из основных инструментов в обращении товаров и денег, создает, изменяет и отменяет права и обязанности сторон. По мнению цивилистов, термин договор имеет три значения: юридический факт; правовая установка о материальных интересах, основанная на юридическом факте; оно используется в смысле документа, отражающего и представляющего то, о чем взаимно договариваются

отдельные лица (граждане и организации). Здесь он рассматривается и изучается в его первом значении - юридический факт.

**Ключевые слова:** соглашение, договор, юридический факт, свобода договора, свобода воли.

## INTERPRETATION OF CIVIL LEGAL CONTRACTS AS A LEGAL FACT

**Koryogdiev Bobur Umidjon ugli,**

The lecturer of Civil Law Department of Tashkent State University of Law

e-mail: [boburkoryogdiev@gmail.com](mailto:boburkoryogdiev@gmail.com)

### ABSTRACT

*In this article, as a legal fact, an agreement is analyzed, which is considered one of the main instruments in the circulation of goods and money, creates, changes and cancels the rights and obligations of the parties. According to scholars of civil law, the term contract has three meanings: a legal fact; a legal statement about material interests based on a legal fact; it is used in the sense of a document that reflects and represents what individuals (citizens and organizations) mutually agree on. Here it is considered and studied in its first meaning - a legal fact.*

**Keywords:** agreement, contract, legal fact, freedom of contract, free will.

### КИРИШ

Юридик фактлар тизимида фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар алоҳида ўрин тутади. Чунки, шартнома тузиш орқали фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ўзлари учун фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтирадилар, ўзгартирадилар ёки бекор қиласидилар. Шартномалар фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларни вужудга келтириш асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ҳам белгиланган. ФКнинг 8-моддаси 1-қисмида “фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг, гарчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига қўра фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларни келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келиши” таъкидлангани ҳолда, мазкур модданинг 2-қисми 1-бандида “фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан, шунингдек гарчи қонунда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ва бошқа битимлардан қўйидагилардан вужудга келиши” белгиланганлиги фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш шартномаларнинг аҳамияти нечоғли эканлигини кўрсатади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, шартнома тушунчаси ва бу боғлиқ категориялар фуқаролик хуқуқи назариясида кенг ва атрофлича таҳлил этилган. Бироқ, шартномаларнинг юридик факт сифатидаги аҳамияти ва моҳияти масаласини етарлича ўрганилган, деб бўлмайди. Фуқаролик хуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиришнинг қонун йўл қўйган асоси сифатида шартномаларни юқорида кўрсатиб ўтилган нормадан келиб чиқиб, қуидаги икки турга бўлиш мумкин:

1. Қонун хужжатларида назарда тутилган шартномалар.
2. Қонунда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин унга зид бўлмаган шартномалар.

“Қонун хужжатларида назарда тутилган шартномалар” категорияси фуқаролик хуқуқ ва бурчларини вужудга келитириш воситаси сифатида белгиланган талабларда тузилганда юридик факт вазифасини бажаради. Зеро қонун хужжатларида назарда тутилган шартномаларга нисбатан амалдаги қонунчиликда муайян талаблар белгиланади-ки, бундай талабларга риоя этмаслик шартномани ҳақиқий эмас, деб топилишига ва у асосда вужудга келиши лозим бўлган хуқуқ ва мажбуриятни вужудга келмаган, деб топилишига олиб келиши мумкин.

ФКнинг 354-моддаси 1-қисмида “фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар” – деган қоида белгиланган бўлиб, бу шартноманинг юридик факт сифатида хуқуқ ва бурчларга таъсири белгиловчи, унинг хуқуқий конструкция сифатидаги моҳиятини ифодаловчи ҳолатдир. Бинобарин, амалдаги қонунчиликка кўра, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик хуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади (ФКнинг 353-моддаси 1-қисми).

И.Б.Зокировнинг фикрича, шартнома атамаси уч маънода: юридик факт; бирор-бир юридик фактга асосланган, моддий манфаатлар тўғрисидаги хуқуқий муносабат; шахслар (фуқаролар ва ташкилотлар) нима тўғрисида ўзаро келишсалар, шуни акс эттирувчи, ифодаловчи ҳужжат маъносига ишлатилади. Бу ерда у ўзининг биринчи маъноси – юридик факт сифатида кўрилади ва ўрганилади.

## **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАРИ**

Шартнома хуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласиди. Аммо шартноманинг ҳаракати бу билан чекланмайди. Агар бошқа юридик фактлар умумий қоида бўйича хуқуқий муносабатни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш билан

тугалланса, шартнома мазкур юридик фактлардан фарқ қилиб, ҳукуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишдан ташқари яна ҳукуқ нормалари билан белгиланган доираларда ҳукуқий муносабатда қатнашувчиларнинг хатти-харакатларини тартибга солади, ҳукуқий муносабат иштирокчиларининг ҳукуқ ва бурчларини белгилайди<sup>1</sup>.

Е.С.Канъязов шартнома тушунчаси таъриф берилган ФКнинг 353-моддаси қоидаларини таҳлил этар экан қўйидагиларни билдириб ўтади: шартнома тўғрисида мазкур моддада кўзда тутилган таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, шартноманинг қўйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ҳукуқий муносабат сифатида: у иштирокчиларнинг фуқаролик ҳукуқлари ва мажбуриятларини белгилайди, ўзгартиради ёки бекор қиласди;
- мажбуриятларни келтириб чиқарувчи юридик факт сифатида: битимнинг тузилиши фуқаролик-ҳукуқий муносабатни вужудга келтирди;
- иштирокчиларнинг хоҳиш-иродаси билан мажбуриятнинг юзага келишини қайд этувчи ҳужжат сифатида: битим ёзма шаклда тузилиши мумкин<sup>2</sup>.

Н.Д.Егоровнинг фикрича, шартномалар турли маънода тушунилади, лекни биринчи навбатда шартноманинг моҳиятини унинг юридик факт сифатида фуқаролик ҳукуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартиши ва бекор қиласи воситаси эканлигини эътироф этиб ўтиш зарур<sup>3</sup>.

Айрим адабиётларда таъкидланишича, шартномалар ўзига хос ҳукуқий воситаси сифатида бир шахснинг манфаати иккинчи томоннинг манфаатини қаноатлантирилиши билан таъминланишини ифодалайди. Бунда тарафлар ўз зиммаларига олган ва шартнома натижасида вужудга келган ҳукуқ ва мажбуриятларини лозим джарада бажаришга ҳаракат қилишади<sup>4</sup>.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, шартнома – ҳукуқий тартибга солишнинг шакли сифатида шартнома қатнашчиларининг хоҳиш-иродаси ва ҳаракатларини намоён этиш ҳамда расимйлаштиришнинг воситаси сифатида хизмат қиласди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳукуки: Дарслик I қисм.-Тошкент: ТДЮИ, 2009.-455 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарх. I-жилд.-Тошкент: 2010. “Vektor-Press” нашриёти, - 746 б.

<sup>3</sup> Гражданское право: Учеб.: В 3 т. Т.1.-6-е изд., перераб. и доп./Н.Д.Егоров, И.В.Елисеев идр.; Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой.-М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003.-584 с.

<sup>4</sup> Договор в народном хозяйстве (вопросы общей теории) // М.К.Сулейменов, Б.В.ППокровский, В.А.Жакенов и др. / Отв.ред. М.К.Сулейменов.-Алма-Ата: 1987.-32 с.

<sup>5</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳукуки.-Тошкент: ТДЮИ, 2005.-222 б.

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда шартномалар юридик факт сифатида фуқаролик ҳуқуқи ва бурчларини вужудга келтиришда аввало иштирокчиларининг хоҳиш-иродасига асосланиши, бундай ҳуқуқ ва бурчлар тарафларнинг ўз хоҳишларига намоён бўлиши билан юридик фактларнинг бошқа турларидан фарқ қиласи. Бинобарин, аксарият юридик фактларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам вужудга келиши мумкин. Шу сабабли юридик факт сифатидаги шартноманинг ўзига хослигини таҳлил этишда шартномалар тузиш эркинлиги тамойилининг ўрни катта ҳисобланади.

Бир қатор юридик адабиётларда шартномалар тузиш эркинлиги тамойилининг уч ҳолати аератиб кўрсатилади. Хусусан, А.М.Мухаммадиев шартномалар эркинлиги тамойилини тадқиқ этгани ҳолда, шартномалар эркинлиги тамойили шартнома тузиш, унинг шартларини танлаш, шартнома тузишда контрагентни танлаш, шартнома шартларини ўзгартириш ва бекор қилишдаги эркинлик ва бошқа ҳолатлар юкорида қайд этилган учта асосий элементнинг ўзагида ифодаланишини таъкидлаш лозим. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, шартномалар эркинлиги тамойилининг юқоридаги уч кўринишда намоён бўлишини ажратиб кўрса-тиш, тарафларнинг шартномалар эркинлигига нисбатан ҳуқуқларини аниқ ифодалашда ва шартнома тузиш, уни бажариш ва контрагент танлашга нисбатан субъектив фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда қулайлик туғдиради<sup>6</sup>.

М.И.Брагинский ва В.В.Витрянскийлар ўzlari томонидан чоп этилган шартнома ҳуқуқига бағишлиланган кўп томлик асрларининг биринчи томида шартномалар эркинлиги: фуқаролар ва юридик шахсларнинг шартнома тузишдаги, тарафларга қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ёки тутилмаган ҳар қандай шартномаларни тузиш имкониятини беришдаги, арафларнинг ўzlari тузётган шартнома шартларини эркин танлашдаги ҳолатидан келиб чиқишини эътироф этишади<sup>7</sup>.

Бир қатор адабиётларда эса, шартномаларни юридик факт сифатидаги ўзига хослигини ангалатувчи ушбу тамойилнинг ички структурасида ана шу

<sup>6</sup> Мухаммадиев А.М. Фуқаролик ҳуқуки тамойилларининг назарий ва амалий муаммолари.-Тошкент: ТДЮИ, 2010.-127 б.

<sup>7</sup> Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая. Общие положения. -М.: Статут.2003.-153 с.

юқоридаги уч ҳолат ўзаро алоқадорликда намоён бўлиши лозимлиги таъкидланади<sup>8</sup>.

Н.Д.Егоров шартномалар эркилиги тамойилини белгиловчи нормани таҳлил этиб, унинг қуидаги муҳим жиҳатларини ажратибкўрсатади:

биринчидан, шартномалар эркинлиги фуқаролик хуқуқи субъектларининг шартнома тузиш ёки тумаслик масаласини эркин ҳал этишларини назарда тутади;

иккинчидан, шартнома эркинлиги шартнома тузишда шерикни танлаш эркинлигини ифодалайди;

учинчидан, шартнома эркинлиги фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг шартнома турини танлаш эркинлигини белгилайди;

тўртингчидан, шартнома эркинлиги тарафларнинг шартнома шартларини танлаш ўз-хоҳиш иродаларидан келиб чиқишли мумкинлигини кўзда тутади<sup>9</sup>.

Фикримизча, шартномалар эркинлиги категориясига нисбатан билдирилган мазкур фикрлар шартноманинг юридик факт сифатидаги моҳияти, мақсади ва вазифасини аниқлашда, юридик факт сифатидаги шартнома тушунчасини тзимли ва тузилиши ёритишда муҳимдир. Шу билан бирга, шартноманинг юридик факт сифатида баҳоланиши учун унинг шакли ва мазмuni билан боғлиқ талабларга риоя этилиши ҳам алоҳида эътибор талаб этилади. Чунки, умумий қоидага кўра, шартнома қонун талаб қилган шаклда тузилган ва унинг мазмунига доир шартларга риоя қилинганда у ҳақиқий ҳисобланади ва ўзининг юридик факт сифатидаги вазифасини бажаришга хизмат қиласи.

ФКнинг 366-моддаси 1-4-қисмларида шартнома шаклига нисбатан белгиланган талаблар ўз ифодасини топган. Унга кўра, агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилган бўлмаса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин. Нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса - шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган

<sup>8</sup> Танага А.Н. Принцип свободы договора в гражданском праве России. -Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2003.-38 с.; Тельгарин Р. О свободе заключения гражданско-правовых договоров в сфере предпринимательства. -13 с. Коммерческое право: Учебник. /Под ред.В.Ф.Попондопуло, В.Ф.Яковлевой.ч.1.-Санкт-Петербург: 1998.- 24 с.

<sup>9</sup> Гражданское право: Учеб.: В 3 т. Т.1.-6-е изд., перераб. и доп./Н.Д.Егоров, И.В.Елисеев идр.; Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой.-М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003.-584-585 с.

ҳисобланади. Агар тарафлар шартномани муайян шаклда тузишга келишган бўлсалар, гарчи қонунда бу турдаги шартномалар учун бундай шакл талаб қилинган бўлмаса-да, шартнома белгиланган шаклга келтирилганидан кейин тузилган ҳисобланади. Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин. Қонун талабларига риоя қилиб, белгиланган шаклда тузилган ва расимйлаштирилган шартномагина юридик факт сифатида тан олиниши мумкин. Акс ҳолда бундай шартнома ҳақиқий эмас деб топилиши ва у асосдаги фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор бўлишини ҳам ҳақиқий эмс, деб ҳисобанишига олиб келиши мумкин.

Шартноманинг мазмунига оид талаблар ундаги шартлар классификациясидан келиб чиқади ва у ёки бу шартнинг шартномадан ифодаланиш ҳолатига кўра шартномани ҳақиқий ёки ҳақиқий эмас, деб топилишига сабаб бўлади. Умумий қоидага кўра шартнома шартлари: муҳим, одатдаги ва тасодифий шартларга бўлинади. Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади (ФКнинг 364-моддаси 1-2-қисмлари).

## **ХУЛОСА**

Шартноманинг муҳим шартлари мавжуд бўлиши ва у белгиланган шаклда тузилиши шартноманинг тузилганлигини ва у бўйича фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келганлигини англатади ва ана шу пайтдан бошлаб, шартнома – юридик факт сифатида намоён бўлади. Шартноманинг юридик факт сифатидаги ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, шартномаларни амалда қўллаш, улар билан боғлиқ амалий низоларни ҳал этиш ва шартномавий муносабатларни тартиба солишга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш мумкин. Зоро, юридик фактнинг бир кўриниши бўлган шартномалар асосида ҳуқуқ ва мажбуриятнинг вужудга келган ёки келмаганлигини аниқлаш, субъектив фуқаролик ҳукуқларини ҳимоя

қилишда ва шахснинг қонуний манфаатларии ҳимоя қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

## **REFERENCES**

1. Гражданское право. Том I. Отв. ред. проф. Е.А. Суханов. – 2-е. изд. М: БЕК, 1998. С.342.
2. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик хуқуқи. Тошкент. “Адолат”, 1996. 108 б.
3. Кротов М.В. Гражданское право. Часть I. //Под. ред. Ю.К. Толстого, А.П. Сергеева. –М: ТЕИС, 1996. С.199.
4. Танага А.Н. Принцип свободы договора в гражданском праве России. - Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2003.-38 с.; Тельгарин Р. О свободе заключения гражданско-правовых договоров в сфере предпринимательства. -13 с. Коммерческое право: Учебник. /Под ред. В.Ф.Попондопуло, В.Ф.Яковлевой.ч.1.-Санкт-Петербург: 1998.- 24с.
5. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая. Общие положения. -М.: Статут.2003.-153 с.
6. Мухаммадиев А.М. Фуқаролик хуқуқи тамоилларининг назарий ва амалий муаммолари.-Тошкент: ТДЮИ, 2010.-127 б.
7. Гражданское право: Учеб.: В 3 т. Т.1.-6-е изд., перераб. и доп./Н.Д.Егоров, И.В.Елисеев идр.; Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой.-М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003.-584 с.
8. Договор в народном хозяйстве (вопросы общей теории) // М.К.Сулейменов, Б.В.ППокровский, В.А.Жакенов и др. / Отв.ред. М.К.Сулейменов.-Алма-Ата: 1987.-32 с.
9. Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият хуқуқи.-Тошкент: ТДЮИ, 2005.-222 б.
10. Atalikova, G. S., & Asadov, S. F. O. G. L. (2022). MASLAHAT VA KONSALTING XIZMATLARI: HUQUQIY TARTIBGA SOLISH MASALALARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 299-309.
11. Tojiboev, A., Sharakhmetova, U., & Tojjiboyev, S. (2020). Between public and private-state entity as a party to international commercial arbitration: Lessons for the Republic of Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(6), 581-591.